



ҚАСДДАН БАДАНГА ОҒИР ШИКАСТ ЕТКАЗИШ ЖИНОЯТИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

Д.М. Кушбаков

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
доценти, ю.ф.б.ф.д.(PhD), доцент, подполковник

В.О. Эгамбердиев

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
катта ўқитувчиси, подполковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15614105>

ARTICLE INFO

Received: 01st June 2025

Accepted: 05th June 2025

Published: 07th June 2025

KEYWORDS

ички ишлар органлари,
профилактика инспектори,
асослар, қасддан баданга оғир
шикаст етказиш, жиноят,
профилактика, чора-
тадбирлар, таҳлил, қарши
курашиш, фаолият.

ABSTRACT

Ушбу мақолада қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг профилактикаси бўйича фаолиятининг ташкилий асослари, ушбу турдаги жиноятни профилактикасининг асосий йўналишлари, хусусияти, ушбу жиноятни содир этиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларнинг таҳлили, профилактика инспекторинг амалга оширадиган чора-тадбирлари ёритилган.

Ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган вазифалардан ташкил топган. Шулардан бири ҳуқуқбузарликларнинг йўналишига, тузилишига, даражасига, сабаб ва шароитларига тўлиқ таъсир қилишдан иборатдир.

Профилактика хизматлари ички ишлар идораларининг асосий хизматларидан бири эканлигини инобатга олсак, ушбу хизмат томонидан умумий тартибдаги қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг профилактикаси фаолиятини ташкил этишнинг мақсади маъмурий ҳудудларда тезкор вазиятни барқарорлаштириш, ҳуқуқбузарлик, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда содир этилган жиноятларни ўз вақтида фош этишдан иборат.

Бундан ташқари, умумий тартибдаги профилактик фаолият ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, республикадаги ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, криминоген вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш, диний-экстремистик оқим тарафдорларини аниқлаш, паспорт тизими, республикага чет эл фуқароларининг келиши ва кетиши тартибини мустаҳкамлаш, ноқонуний равишда сақланаётган қуролларни аниқлаш ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш мақсадларида ўтказилади.

Ички ишлар органларининг қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг профилактикаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари мазмуни бўйича иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, демографик, ҳуқуқий, ташкилий-бошқарув, маънавий-маърифий ва бошқалардан иборат.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг асосий қонуни ҳисобланган Конституциянинг қўпгина моддалари ҳам бевосита профилактик хусусиятга эга бўлиб, шахснинг ҳаёти ва соғлиғини биринчи ўринга қўяди, ҳамда,

фуқароларнинг жамиятдаги умуминсоний, маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий нормалар ҳамда қонунларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга қаратилганлигида кўринади. Қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг профилактикаси бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган вазифалардан ташкил топган. Шулардан биринчиси, ҳуқуқбузарликларнинг йўналишига, тузилишига, даражасига, сабаб ва шароитларига тўлиқ таъсир қилишдан иборатдир. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолияти субъектлари томонидан ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги ҳуқуқбузарликнинг сабаб-шароитлари, бошқа детерминантларини аниқлаш ва уларни бартараф қилиш, таъсирини йўқотиш, кучсизлантириш бўйича усул ва шаклларни амалга оширишдир.

Профилактика хизматларининг қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг профилактикаси фаолияти жамиятга зид ғайриижтимоий ҳодиса ва жараёнларнинг, турли воқеа, ҳодиса ва ҳолатларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш, таъсир этиш, кучсизлантириш ва олдини олишга қаратилган кенг қамровли ижтимоий-ҳуқуқий воситалар орқали амалга ошириладиган фаолиятидир.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин¹.

Ички ишлар органлари тизимида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминловчи марказий субъект – Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ва унинг жойлардаги барча таркибий тузилмаларидир. Шунинг учун ҳам ушбу хизмат ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятини амалга оширишни мувофиқлаштириб туради. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ички ишлар органлари номидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқишда асосий субъект сифатида иштирок этади.

Бундан ташқари, Давлат дастури талабларидан келиб чиқиб, ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси юзасидан ички ишлар органлари тизими учун алоҳида дастур ишлаб чиқишда асосий ижрочи сифатида иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси хизмати бутун мамлакатдаги, мавжуд кучлар ва воситалардан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишда фойдаланилиши самарадорлиги таҳлилини амалга оширади.

Ушбу таҳлилларга асосланган ҳолда криминоген вазиятни мураккаблаштираётган алоҳида турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид соҳавий дастурлар ишлаб чиқиши, тасдиқлаши ва уларни амалга оширишни ташкил этиши мумкин.

Хизмат ўз ваколати доирасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди ҳамда бартараф этиш чораларини кўради.

Профилактика хизматлари тизимида мустақил тузилмалар томонидан ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан соҳавий (тармоқ) дастурлар ишлаб чиқилиб, жамиятга татбиқ этилади. Хусусан, Бош бошқарма таркибидаги вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлимлари, жазони ижро этиш инспекцияси бўлимлари ва одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш билан боғлиқ ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлимлари томонидан тармоқ дастурлари ишлаб чиқилиб, фаолият йўналишларига татбиқ этилади. Ушбу соҳавий дастурлар учун асос бўлиб ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги давлат дастури ёки ушбу соҳа бўйича криминоген вазиятни ўрганиш, мавжуд кучлар ва воситалардан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишда фойдаланилиши самарадорлигини таҳлил қилиш натижалари хизмат қилади. Ушбу дастурларнинг ишлаб чиқилишида соҳавий

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2020. – №28. – 201-м.

хизматлар ўз ваколатлари доирасида ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитлари, уларни юзага келтирувчи омилларни бартараф этиш юзасидан таклифларини тақдим этиб боради.

Ҳудудий дастурларнинг ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширилишида иштирок этиш учун масъул субъектлар профилактика хизматларининг ҳудудий тузилмалари, яъни, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ҚПХ, Тошкент шаҳар ИИББ ҚПБ ва вилоятлар ИИБ ҚПБлари ҳисобланади. Профилактика хизматларининг ушбу бўғинлари ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этиш жараёнида мавжуд муаммоларни таҳлил этади ҳамда қуйи турувчи бўлинмаларнинг бу борадаги таклифларини ҳам инобатга олади.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирларидан яна бир муҳими ҳисобланган аҳоли орасида ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бориш ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

ИИБ ЖХД ҚПХ, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ҚПХ, Тошкент шаҳар ИИББ ҚПБ ва вилоятлар ИИБ ҚПБлари қонунчилик тизимидаги жараёнлардан, бутун мамлакатдаги, айрим минтақалардаги криминоген вазиятнинг таҳлилидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий тарғибот мавзуларини шакллантиради ва уларни амалга ошириш учун зарур услубий материалларни тайёрлашни ташкил этади. Зарур ҳолларда ушбу жараёнга бошқа соҳавий хизматлар ва манфаатдор орган ҳамда муассасаларнинг мутахассисларини ҳам жалб этади.

Шуни таъкидлаш жоизки, профилактика хизматлари ҳуқуқий тарғибот ишларини режалаштириш ва амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари ҳамда ИИБнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига асосланади.

Қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг профилактикасининг ушбу турдаги чора-тадбирлари асосан профилактика хизматлари тизимининг қуйи бўғини томонидан олиб борилади. Туман (шаҳар) ИИБ ҚПБ (бўлим, бўлинмалари) қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг профилактикасининг бевосита ташкилотчилари бўлиб, улар бу жараёни ташкил этишда юқори бўғин (Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ҚПХ, Тошкент шаҳар ИИББ ҚПХ ва вилоятлар ИИБ ҚПБлари) томонидан тасдиқланган ҳуқуқий тарғибот мавзулари режасига ва методик тавсияларига асосланади.²

Туман, шаҳар ички ишлар органлари профилактика хизматлари фаолияти жараёнида қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг содир этилиш сабаб ва шароитларини ўрганиб бориб, бу борадаги долзарб мавзуларни юқори бўғин томонидан тасдиқланадиган тарғибот режаларига киритилиши юзасидан таклифлар киритади.

Қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шартшароитларни таҳлил қилиш – бу борадаги фаолият натижаларига баҳо беришга имкон беради.

Қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг сабаб ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш кейинги содир этилиши мумкин бўлган оғирроқ, яъни қотиллик жиноятининг олдини олишга хизмат қилади. Профилактика хизматлари содир этилган ҳуқуқбузарликларга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш борасида ўз ваколатлари доирасида ташкилот, корхона ва муассасаларга тақдимнома киритиб боради.

² Ички ишлар органларида профилактик фаолият, маърузалар курси .Тошкент 2018

Хусусан, профилактика инспекторлари маъмурий ҳудудда жойлашган ташкилот, корхона ва муассасаларга қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритади. Ваколат доирасидан ташқарида бўлган юқори турувчи ташкилотларга тақдимнома киритиш зарурати юзага келганда, ушбу вазифа туман (шаҳар) ИИБ ХПБ орқали таъминланади.

Умумий тартибда қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг олдини олиш усулларининг кўплиги ва турли-туманлиги уларни тўлиқ санаб ўтиш ва ҳар бирини алоҳида-алоҳида таҳлил қилиш имконини бермайди. Бу ўринда гап ушбу усулларни таснифлаш ва ажратилган ҳар бир туркумнинг хусусиятларини қисқача муҳокама қилиш ҳақидагина бормоқда. Бундай таснифлашнинг бош асоси ушбу усулларнинг субъектлари ва объектлари, аниқ вазифалари, ташкилий шакли, ҳуқуқ билан тартибга солинганлик даражасидан иборат.

Умумий тартибда қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг олдини олишнинг асосий усуллари сифатида кенг жамоатчилик ўртасида (маҳаллаларда, ўқув юртларида, корхона, муассаса, ташкилотларда) суҳбатлар ва мутахассислар (шифокорлар, ҳуқуқшунослар ва ҳ.к.) иштирокида учрашувлар уюштириш, турли мавзуларда маърузалар ўқиш, аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигини олдини олиш мақсадида турли спорт мусобақаларини ташкил этиш, ёшлар ташкилотлари билан биргаликда телевикториналар ўтказиш, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиб аҳолига алоҳида тоифадаги ҳуқуқбузарликларнинг салбий оқибатлари борасида тушунтириш ишларини олиб бориш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг замонавий усуллари тўғрисида электрон адабиётларни тарқатиш, шунингдек фуқароларни маънавий, ахлоқий ҳамда ҳуқуқий тарбиялашга қаратилган бошқа турдаги тадбирларни амалга ошириш кабиларни келтириб ўтишимиз мумкин.

Умумий тартибда қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг олдини олишнинг усуллари икки тоифага бўлинади. *Биринчиси* қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг содир этилиш сабаблари ва унга имкон берган шароитларни аниқлашга қаратилган усуллар ташкил қилади. Ушбу усулларнинг хусусияти шундаки, улар бевосита профилактик самара бермайди (ва бериши ҳам керак эмас). Шунга қарамай, ушбу усулларнинг қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг олдини олиш фаолиятининг пировард мақсадларига эришишдаги ўрни ва аҳамиятини қадрламаслик хато бўлади. Умумий тартибда қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг олдини олиш профилактик таъсир кўрсатиш объектларини чуқур ва ҳар томонлама билишга асосланмаса, ўзининг реал мазмунини йўқотади, мақсадга қаратилган бошқарувнинг кўринишигагина эга бўлади. Шу боис қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг содир этилиш сабаблари ва унга имкон берган шароитларни аниқлаш, чуқур таҳлил қилиш умумий тартибда ҳуқуқбузарликларнинг, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг асосини ташкил қилади.

Иккинчи тоифага қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг содир этилиш сабаблари ва унга имкон берган шароитларни бартараф этишга бевосита қаратилган усуллар киради. Ушбу усуллардан қонун билан муҳофаза этиладиган ижтимоий қадриятлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш кўринишидаги бевосита «самара» кутилади. Профилактика хизматларининг қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг умумий тартибдаги профилактик фаолиятида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг махсус ва умумий усуллари ўртасидаги яна бир фарққа эътибор бериш лозим. Агар махсус усуллар тўлиғича қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг олдини олишга қаратилган бўлса, умумий усуллар асосан кўп мақсадли хусусиятга эга бўлади: уларни амалга оширишда қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг олдини олиш эмас, балки кўпроқ бошқа ижтимоий муҳим натижаларга

эришиш мўлжалланади. Масалан, қасддан баданга енгил шикаст етказиш жиноятига қарши курашиш борасида маҳаллий давлат ҳокимият органлари ва уларнинг қошидаги комиссиялар, соғлиқни сақлаш муассасалари, касаба уюшмалари, меҳнат жамоалари амалга оширадиган усуллар комплексини, шубҳасиз, умумий тартибда қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг олдини олишнинг таркибий қисми деб ҳисоблаш лозим, чунки ичкиликбозлик ва ҳуқуқбузарликлар ўртасида алоқанинг мавжудлиги аниқ. Шунингдек, ҳуқуқий тарғибот, қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг олдини олиш мақсади билан бир қаторда, аҳолининг умумий ҳуқуқий маданиятини кўтариш, фуқаролик ва меҳнат низоларининг сонини камайтириш каби мақсадларни ҳам кўзлайди.

Қонун билан тартибга солинганлик даражасига кўра, умумий тартибда қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг олдини олишни ҳуқуқий ва ноҳуқуқий турларга бўлиш мумкин. Ушбу тасниф, албатта, жуда шартлидир. Қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг олдини олиш фаолияти, умуман олганда, қонунга асосланган ва қонун талабларига риоя этилишини таъминлашга қаратилганлиги сабабли, ҳуқуқий хусусиятга эга.

Шу билан бирга, айрим профилактик усулларнинг мазмуни ва шакли қонунда батафсил тартибга солинган, бошқа усулларники эса кўп жиҳатдан ижрочининг ихтиёрига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, жиноят-процессуал фаолият ёки ички ишлар органларининг умумий назорат фаолияти доирасида амалга ошириладиган профилактик усуллар ҳуқуқий, ҳўжалик ёки маданий-тарбиявий фаолият доирасидаги субъектлар эса ноҳуқуқий ҳисобланади. Масалан, маълум бир корхонада қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш етказиш жиноятининг аниқланиши терговчини ҳам, корхона директорини ҳам бундай жиноятнинг содир этилиш сабаблари ва унга имкон берган шароитларни бартараф этиш усулларини кўришга мажбур қилади. Терговчи мазкур мажбуриятни ҳуқуқий усул – корхона директорига ёки ҳўжалик бошқарувининг юқори органига тақдимнома киритиш орқали бажаради. Бу терговчининг матбуотда чиқиш, корхона жамоасининг мажлисида ахборот бериш каби ноҳуқуқий усулларни қўллаши мумкинлигини ҳам истисно этмайди, албатта.

Корхонанинг директори амалга оширган профилактик усуллар ҳуқуқий нормаларнинг талабларига зид бўлмаган, аммо улардан бевосита келиб чиқмайдиган мақсадга мувофиқлик мулоҳазалари билан боғлиқ бўлади. Мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, буларга корхонада автоматлаштирилган бошқарув тизимини яратиш, технологик жараённи такомиллаштириш, янги омборхоналар қуриш ёки мавжудларини таъмирлаш, ходимларнинг функционал вазифаларини қайта кўриб чиқиш каби ноҳуқуқий усулларни киритиш мумкин.

Қонун ҳужжатларига асосан умумий тартибдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш қуйидаги усулларда амалга оширилади:

- аҳоли орасида, жамоаларда ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий мазмундаги тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш (маҳалла фуқаролар йиғини, яраштириш комиссиялари, диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар билан ҳамкорликда);
- оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиб, яъни газета ва журналларда мақолалар эълон қилиш, радиоэшиттиришлар ташкил этиш, телевидениеларда турли кўрсатувлар тайёрлаш;
- маърузалар ўқиш, суҳбатлар уюштириш ва учрашувлар ташкил этиш.

Умумий тартибда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг шакллари эса қуйидаги тўрт турда амалга оширилиши кўзда тутилади: *ёзма, оғзаки, кўрғазмали ва электрон*. Албатта, умумий тартибда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда шаклни танлаш ва ўз ўрнида қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис вояга етмаганлар орасида

хуқуқбузарликларнинг олдини олишда кўпинча оғзаки шакллар билан бирга кўргазмали шакллардан фойдаланиш самаралироқ ҳисобланади. Яъни, профилактикани амалга оширишда фақат бир шаклдан фойдаланиш эмас, балки бошқа шаклларни биргаликда қўллаш ҳам мақсадга мувофиқ.³



³ Криминалогия дарслик .З.С.Зарипов Тошкент 2009